

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 442-ҳадис

442/780 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا أَمَّنَ الْإِمَامُ فَأَمَّنُوا، فَإِنَّهُ مَنْ وَافَقَ تَأْمِينَهُ تَأْمِينَ الْمَلَائِكَةِ، عُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ».

442.780. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Имом «Омин», деса, «Омин», денглар. Чунки кимнинг «омин»и фаришталарнинг «омин»ига тўғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади»,** дедилар».

Изоҳ: Ҳанафий мазҳабида намозда Фотиҳа сураси ўқилгач, имом ҳам, муқтадий ҳам «омин»ни махфий айтади. Чунки Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху: «Имом тўртта нарсани махфий қилади», деган ва «омин»ни ҳам шулар жумласидан деб ҳисоблаган («Ҳидоя»).

Манба: hadis.islom.uz

